



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Яхши қўшничилик ва азалий дўстликка асосланган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрел куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрел куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан қутлаб, бу олиёйиб мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

— Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандимиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши қўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифнинг томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай

имкониятдир, — деди Ислам Каримов. Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганини қайд этди.

— Тўғри таъкидлаганингиздек, халқларимиз асрлар давомида ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Мустақиллик йилларида биз бу муносабатларни янада мустаҳкамладик. Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлиги бутун минтақа учун муҳим аҳамият касб этди. Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдоримиз, — деди Нурсултон Назарбоев.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат мақамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминлиниши ва иқтисодий тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эри-

шиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансгеографик дарёлар сув ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан улардан оқилон ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Трансгеографик дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда иқтисодий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

»(2).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда хариддор ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, «Ўзбекизоққовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекизоққовқатзахира» уюшмасининг 2016 йилги ҳисобидан бошлаб ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмасини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси: «Ўзбекизоққовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан барқарор таъминлаш;

ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида захирага гамлаш; ташқи бозорларда хариддор бўлган ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ўшбу маҳсулотларга нисбатан талабдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

2. Вилоят ва туман ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳудудий шарҳама ва бўлимларига фермер ва деҳқон ҳўжаликлари томонидан ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳажми бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва улар томонидан тузилган контрактация шартномалари бажарилишини мониторинг қилиш;

«Ўзбекизоққовқатхолдинг» холдинг компаниясига ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни санаят асосида қайта ишлаш учун харид қилиш;

«Ўзбекизоққовқатзахира» уюшмасига қиш-баҳор мавсуми учун ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни гамлаш;

«Ўзагроэкспорт» иқтисослаштирилган ташқи савдо компаниясига ҳўл мева-сабзавотларни экспорт қилиш вазибалари ва масъулияти юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмаси доирасида: маҳсулотларни санаят асосида қайта ишлаш учун харид қилиш, маҳсулот етказиб берувчилар — фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ва истеъмолчилар — «Ўзбекизоққовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади;

ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ва деҳқон ҳўжаликларида келишилган, бозор нарҳларида харид қилинади;

ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзагроэкспорт» иқтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилинади;

ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини комиссия шартномалари асосида экспорт қилишда комиссия хизмати учун тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги лозим; қурилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга олдидан 100 фоиз тўлаш ёки аккредитив очиш ёхуд хариддорнинг молиявий барқарорлик даражаси юқори бўлган энг ишончли банкларни кафолати билан, ҳўл мева-сабзавот маҳсулотлари эса олдидан камида 30 фоиз тўлаш шартлари асосида етказиб берилди.

»(2).

### Хабарлар оқимидан

**Дўстлик туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қурувчилардан яна бир совға олди.** Эндиликда туман ёшлари машғулотлари янги спорт зали, ёпик бассейн ва стадионда ўтказиладиган бўлиши.

### Янги спорт кошонаси

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағи ҳисобига бунёд этилган мазкур спорт кошонасига ўттиз икки турдаги замонавий спорт жиҳозлари ҳам келтирилди.

Яратилган бундай шароит қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлариغا катта имконият яратди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

### ИХТИСОСЛАШГАН ЯРМАРКА

Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежида ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат бозорида Самарқанд шаҳри ҳудудида фаолият кўрсатаётган 46 та корхона, ташкилот ҳамда муассасалар бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада 11 нафар фуқаро ўз соҳаси бўйича ишга жойлашиш йўлланмасини қўлга киритди. Янги иш ўрнига эга бўлган фуқароларнинг 6 нафарини аёллар ташкил этди.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан 63 нафар фуқарога қўнун талаблари доирасида тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Расул СЎНОВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳисобчиси

### Кўرғазма

## Банк тизими салоҳияти намойиш этилди

«Ўзкўрғазмасавдо» марказида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари «BankEXPO — 2016» миллий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Аҳборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ҳамда Аҳборот технологиялари ассоциацияси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уюштирилди.

Кўрғазмада банк-молия секторидagi янги технология ва хизматларни намойиш этаётган тижорат банклари, етакчи суғурта, лизинг ва инвестиция, аҳборот технологиялари компаниялари ўз маҳсулотлари



ва хизматлари билан қатнашди.

Шунингдек, тадбиркорликни, хуsusан, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режасини

қўллаб-қувватлашда банклар билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл», «Хўнарманд» уюшмалари ва бошқа

бир қатор ташкилотлар ўз хизматларини намойиш этишди.

Икром ХАСИМОВ, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 15 январидан республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроекономик курсаткичлари ҳамда иқтисодий ва унинг тармоқларини, энг аввало, саноат ва қишлоқ ҳўжалигини янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва янгиллаш, хусусий мулк-

ни, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини оширишнинг ўртача муддатли дастурларини амалга оширишнинг натижалари кўриб чиқилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазибалари ва устувор йўналишларини тизимли ва изчил амалга ошириш тўғрисида глобал

иқтисодийда давом этаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши сурьатлари секинлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор сурьатлари ва макроекономик мўлчанослик таъминланганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,7 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоизга кўнайдди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридagi профит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Хизматларнинг замонавий турларини, энг аввало, ахборот-коммуникация

технологияларига асосланган турларини жадал ривожлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар хизматлар ҳажмларининг 12,1 фоизга ўсишини ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 59,3 фоиздан 59,5 фоизгача кўпайишини таъминлади.

Кичик бизнесни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг давом эттириш жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 8,4 мингта ёки 2015 йилнинг шу давридаги қараганда 5,5 фоиз кўп янги субъекти ташкил этилишига кўмаклашди. Йил бошидан бошлаб кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўм банк кредитлари берилди,

ўсиш 2015 йилнинг 1-чорагидаги қараганда 1,3 бараварини ташкил этди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида 167,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парвариш қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида қарий 1,3 триллион сўм миқдоридagi маблағ йўналтирилди.

»(2).

# Яхши қўшничилик ва азалий дўстликка асосланган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

**ЎЗБЕКИСТОН** мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металллар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамки изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига қўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юртимизда. Юртимизда Қозоғистон капиталли ишторида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил

ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007 — 2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобил ва темир йўллари ўзаро интеграцияланган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ша-

роитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажминини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очик ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ, УЗА мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги 2505-қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) зарур ҳолларда жаҳон бозоридagi қўшма мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамки изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига қўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юртимизда. Юртимизда Қозоғистон капиталли ишторида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил

ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007 — 2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобил ва темир йўллари ўзаро интеграцияланган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ша-

роитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажминини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очик ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

УЗА

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МЕВА-САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг 2016 йил 5 мартдаги 2505-қарорига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) зарур ҳолларда жаҳон бозоридagi қўшма мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамки изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига қўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юртимизда. Юртимизда Қозоғистон капиталли ишторида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил

ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007 — 2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобил ва темир йўллари ўзаро интеграцияланган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорлиги янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ша-

УЗА

## Ўқув-семинар

# Ютуқлар бисёр, бажарилажак ишлар ҳам

«Умид гулшани» санаторийида Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги санаторий клуб мудири ва кутубхоначилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Тадбирда ходимлар ва дам олувчиларга кўрсатилаётган маданий-маърифий ва спорт ишлари билан боғлиқ сай-ҳаракатларни замона талаблари даражасига кўтариш, кутубхоналар хизмати сифатини янада ошириш, ушбу йўналишлардаги меъёрий ҳужжатлар билан иштирокчиларни пешма-пеш таништириш ва уларни амалиётга жорий қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Таъкидландики, санаторийларда тасдиқланган режа асосида турли маданий-маърифий тадбирлар, ёзувчи-шоирлар ва санъаткорлар билан учрашув ва давра суҳбатлари, музей ва кўргазмаларга ташриф ҳамда кўнгилочар сайёҳатлар уюштирилади.

«Манавият соатлари» да мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қуламадаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва дастурларнинг аҳамияти дам олувчилар ва ходимларга кенг тарғиб-ташвиқ этилмоқда.

Утган йилда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб, барча санаторий ва дам

олиш масканларига тарқатилди. Санаторлар, ҳудудий ҳокимиятлар маъсул ходимлари, эл эъзозидида бўлган машҳур кишилар билан учрашувлар, «Сизнинг ҳаёт йўлингиз — биз учун ибрат» мавзусида давра суҳбатлари, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ўртасида «Миллий қадриятлар ва урф-одатлар билимдони» танлови, спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, санаторийлар томонидан улар жойлашган ҳудуддаги тарихий қадимжолар ва истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотларга саёҳатлар, театр актёрлари билан учрашувлар ташкил қилинди.

Санаторийлар маъмурияти, хотин-қизлар комиссияси ҳамда касабга уюшма кўмитаси ҳамкорлигида «Спорт — саломатлик гарови» шiori остида мусобақалар ва «Саломатлик спартакиадаси» ўтказилиб, уларга ходимлар ва дам олувчилар жалб қилинди.

Санаторийларда амалга оширилаётган ишлар оммавий ахборот воситаларида атрофида ёритилмоқда. Бу борада «Чинобод», «Бўстон», «Ботаника», «Зомин» каби бир қатор санаторийлар, айниқса, фаволиқ кўрсатмоқда.



«Чинобод» санаторийи клуб мудири Абдуваҳоб Тожиёв «Ishonch» газетасида эълон қилинган республика танловларида кетма-кет икки бор голиб бўлган ҳам бежиз эмас. Ҳудудий ахборот воситаларида атрофида ёритилмоқда. Бу борада «Чинобод», «Бўстон», «Ботаника», «Зомин» каби бир қатор санаторийлар, айниқса, фаволиқ кўрсатмоқда.

маъмурият, касабга уюшма кўмитаси, кутубхоначилар ва клуб мудири томонидан амалга оширилади. Музейшунос тақлиф қилиниб, унинг тавсиялари асосида иш олиб борилади. Умуман, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар бисёр. Аммо қилинажак ишлар ҳам талайгина бўлиб, изланиш ва интилиш туфайлигина керакли натижаларга эришиш мумкин.

Ўқув-семинарда Тошкент ахборот технологиялари университети кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди Барно Ганиева «Санаторийларда кутубхоналар ишини юритиш масалалари», Тошкент Давлат юридик университети доценти, юридик фанлари доктори Феруза Муҳиддинова «Санаторийларда маданий-маърифий ишлар ҳамда «Манавият соатлари» ни талаб даражасида ташкил этиш масалалари» мавзусида маъруза қилишди. «Чинобод» ва «Умид гулшани»да маданий-маърифий ва спорт ишларининг қандай ташкил этилиши ҳақидаги маълумотлар иштирокчилар эътиборини тортиди. «Чимёни», «Чортоқ» ва «Зомин» санаторийлари клуб мудири ва кутубхоначилари фаолияти ҳам ҳаммада катта қизиқиш уйғотди.

«Чинобод» санаторийида барча ишлар белгиланган режа асосида олиб борилаётганда, — дейди А.Тожиёв. — Дам олувчиларнинг ҳар бир кунни қизиқарли ва эҳсал қоладиган тарзда ўтишига ҳарқат қилаёلمиз. Уза касбининг билимдонлиги билан малакали кишиларни жалб қилишимиз тадбирларга юқори савия, мазмун бахш этаётди. Бундан ходимлар ҳам, дам олувчилар ҳам хурсанд.

Қизгин савол-жавоб ва муҳокама руҳида ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинар иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири, Иқром ХАСАНОВ олган сурат

«KOSNIMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING MURAZI VILOYATI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, OCHIQ TAHLIV SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI

1. Savdoга Uzbekiston Respublikasini Vazirlar Mahkamasining 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ва Хоразм вилоят ҳокимлигининг 2016 йил 1 апрелдаги 5-945-сонли олаха хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ўқастқаларнинг доимий фойдаланши ҳуқуқи қийла-мосқад:

Бўстон маҳалласи ҳудудидан 220.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 151 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 182 000 000 сўм.

40. Бир қаватли «Нон махсулотлари ишлаб чиқариш цехи» биноси қуриш учун Хонка тумани Навоҳс қишлоғи Энаҳос маҳалласи ҳудудидан 270.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 185 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 189 600 000 сўм.

60. Бир қаватли «Газалик салони» биноси қуриш учун Хонка тумани Амурдәр қишлоғи ҳудудидан 150.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 103 000 000 сўм.

71. Икки қаватли «Арашл моллари дўкони» биноси қуриш учун Хонка тумани Олажа қишлоғи Ширин маҳалласи ҳудудидан 144.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 99 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 192 200 000 сўм.

«BEST REALTOR» MCHJ FARGONA MINTAQAVIY FILIALI BOQLANQICH BAHOSI BOSQICHMA-BOSQICH OSHIB BORI SH TARTIBIDA UTKAZILADIGAN OCHIQ AUKSION SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» AJ «TOSHKENT MINTAQAVIY FICIAL» BOQLANQICH BAHOSI OSHIB BORI SH TARTIBIDA UTKAZILADIGAN OCHIQ AUKSION SAVDOLARIGA TAKLIF ETADI

Savdoга Toshkent viloyati, Bostanqish tumani, 54-sonli umumiy urta taъlim maktabi va uyining qoqladig inqerentnning 2015 йил 27 noyabrda №55 sonli buyurini, 2016 йил 7 aprelda dalolatnomasi va №67-sonli buyurtmamasiga asosan, Toshkent viloyati, Bostanqish tumani, Fagallent shahri, S.Asanova kchas, 57 uy manzilda saklanayotgan «Gaz 2411» rusumli, davlat raqami 10/639VA, 1991 йilda ishlab chiqarilgan boqlanqich bahosi — 801 300 ssm, bulgan texnik nosoz xoldagi avtotransport vositasi qiyilmosqad.

23. Бир қаватли «Ханмом» биноси қуриш учун Шовот тумани Иктымоят қишлоғи Мадааният маҳалласи ҳудудидан 100.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 124 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 52 000 000 сўм.

39. Бир қаватли «Минимаркет» биноси қуриш учун Хонка тумани Навоҳс қишлоғи Энаҳос маҳалласи ҳудудидан 150.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 103 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 145 000 000 сўм.

70. Икки қаватли «Машиий техника воститалари дўкони» биноси қуриш учун Хонка тумани Олажа қишлоғи Ширин маҳалласи ҳудудидан 144.0 кв.м.дан иборат ер ўқастқасининг доимий фойдаланши ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 99 000 сўм. Қурилиш муддати — 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган энг кам инвестиция миқдори 192 200 000 сўм.

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» MCHJ SIZLARNI 2016 йил 17 май кунли соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Davlat raqobat kmitasini Toshkent shahri hududiy boshqarmasining 2015 йил 26 martda 44 «PO-sonli buyuriga asosan, «Kosnimas Mulk Savdo Xizmati» MCHJning oqch auksion savdolariga chiqarilgan Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Amir Temur kchas, 92-uy manzilda joylashgan Sobiq savdo duxoni bino-inshoatlaridan iborat mulkni mavjud davlat savdolaridan olinayotganligini maъlum qilyamos.

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Танлов

## Эртамиз ижодкорлари



Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазириликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ҳамкорлигида болалар кўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови эълон қилинган эди.

Айни пайтда танловнинг вилоят босқичларида ёшидан қатъи назар, юртимизда фаолият юритаётган бастакорлар, шоирлар, болалар ижодий жамоалари, мусиқа ва санъат мактаблари ижодкорларининг фаол иштироки таъминланди, уларнинг келажакда порлок юрт, истиқлол, бахтли болалик, миллатлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлари барчада катта таассурот қолдирмакда. Қибрай туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабидан ўтказилган танловнинг Тошкент вилояти босқичида катнашчилардаги кўтаринки рух, интилиш

ва иқтидор яққол кўзга ташланди. — Танловга 650 дан ортиқ шеър, 500 дан зиёд янги кўшиқ ва ижодий ишлар қабул қилинди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Шахноза Одилхонова. — Улар туман ва шаҳарлардаги тегишли ташкилий кўмиталар томонидан сараланиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Болалардаги иқтидор, сеҳрли овоз, куйлаётган кўшиқларининг ўзига хос жозибадорлиги туйғуларни жунбушга келтиради. Бундай вазият

да голибни аниқлашнинг ўзи бўлмайди. Бир нарсани қомил ишонч билан айта оламани, бу ҳам бўлса, танловда иштирок этаётган умидли ёшлар келажакда, албатта, халқи учун хизмат қилаётган етук санъаткорлар бўлиб етишади. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан голиблар аниқланди. «Энг яхши шеър» номинациясида Отабек Исроилов «Ким эдинг, ким бўлдинг» шеъри билан биринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши янги кўшиқ» номинациясида Голиблик «Ез» кўшигини ижро этган Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактаби

жамоасига насиб этди. «Энг яхши ҳисоб шеъри» номинациясида эса Дилнавоз Нажинова «Санашни ўрганамиз» шеъри билан голибликка эришди. — Ёшлигимдан санъатга меҳр кўйганман. Ҳозирда анъанавий кўшиқчилик билан шуғулланман. Ижод қилишим учун ота-онам барча шароитларни яратиб берган бўлса, унинг сирларини устозим Муса Қўлматовдан ўрганапман, — дейди Бўстонлик туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси, «Энг яхши янги кўшиқ» номинацияси учинчи ўрин соҳибни Самандар Хусанов. — Танловда «Халқим» номи кўшигим билан қатнашдим. Танлов баҳона кўлаб дўстлар орттирдим, тажрибамни оширдим. Қолаверса, келажакда етук хонанда бўлишимда ўзига хос бир синов бўлди, деб ўйлайман. Голиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб, республика босқичига йўланма олишди. Танловнинг республика босқичи голиблари 1 июн — Халқор болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эълон қилинади ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тақдирланади.

Махбуба ТЎРАЕВА.  
Икром ҚАСАНОВ  
олган суратлар

«Касаба-тур» веломарафони

## ВЕЛОСИПЕД — САЛОМАТЛИК ЭЛЧИСИ

Аҳоли ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш муҳим масалалардан бирига айланди. Бу борада касаба уюшмалари иштироки тобора кенг кўлам касб этаётир.



Тизимда велоспорти оммавийлаштириш мақсадида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари кейинги йилларда янада кучайиб, бошланғич ташкилотларда ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонини ўтказиш анъанасига айланаётган бўлади. — 2012 йилда веломарафон илк бор ташкил этилганида корхона ва ташкилотлардан санокли велоҳаваскорлар қатнашган эди, — дейди Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Хайрулла Аминов. — 2014 йилда эса веломарафоннинг вилоят босқичида 25 ёш ва ундан юқори бўлган 250 нафар ҳаваскор иштирок этди. 2015 йилда ўтказилган шундай тадбирда 7 та тармоқ касаба уюшмаларидан 360 нафар ҳодим голиблик учун кураш олиб борди. Қувончли, ҳаваскор велоспортчилар мусобақаларида эркаклар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этишпти. Вилоят босқичида голиб бўлган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон тумани кенгашига қарашли 11-МТМ тарбиячиси Сайёра Нарзиёва, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси аъзолари — Гулистон шаҳар

статистика бўлими ходими Халима Қулжонова ва ИИБ қошидаги МТМ тарбиячиси Шоҳида Мирзаёрова веломарафоннинг республика босқичида ҳам ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Бу йил ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг «Ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафонини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра, апрел-май ойларида тармоқлар касаба уюшмаларининг туман, шаҳар кенгашлари тасарруфидоги корхона, ташкилот ва муассасаларида мусобақа ўтказилди. — Филиалимизга қарашли почта бўлимида 280 нафар ходим ишлади. Хабарчиларимиз сони 63 нафар бўлиб, улар экологик мусаббоқо транспорт тури бўлган велосипедда аҳолига хизмат кўрсатадилар. Бу билан нафақат экология софлигига ҳиссаларини қўшадилар, балки ўз саломатликларини ҳам мустаҳкамлайдилар, — деди «Ўзбекистон почтаси» АЖ Сирдарё филиали почтаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси У.Умрзоқов. Ҳаваскор велоспортчилар ўртасида мусобақалар уч босқичда давом этиб, бошланғич ташкилотларда ўтказилган спартакиадада голиблар туман-шаҳар босқичларида куч синашди. 14 май куни Гулистон шаҳрида веломарафоннинг вилоят босқичи энг кучли жамоалар вакиллари жам қилади. Демак, қизгин баҳслар ҳали олдинда.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

## ПЕДАГОГ АЁЛЛАР МАЙДОНДА

Касаба уюшмалари тизимида спорт-соғломлаштириш ишлари энг асосий йўналишлар сирасига кирди. Тизимда йил давомида, турли йўналишдаги спорт мусобақаларини босқичма-босқич ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қосон туман кенгаши томонидан Соғлом она ва бола йили муносабати билан хотин-қизлар ўртасида спартакиада ўтказилди. 7-умумтаълим мактабида спортнинг 7 та тури бўйича ўтказилган мусобақада таълим муассасаларидан 200 нафардан зиёд хотин-қиз иштирок этди. Волейбол бўйича туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, армретлингда 86-умумтаълим мактаби, стол теннисда 7-шаҳада 1-шаҳмат бўлашувларида 71-, арқон тортиш мусобақасида 91-, 100 метрга югуришда эса 21-умумтаълим мактаблари вакиллари голиблигини қўлга киритди. Голиблар туман касаба уюшма кенгашининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. 2016 йилда туман кенгаши томонидан тасдиқланган спорт тадбирлари тақвими режасига кўра, тармоқ ходимлари ўртасида 5 та спорт мусобақасини ташкил этиш кўзда тутилган. Туман касаба уюшма ташкилотлари томонидан айни кунда «Касаба-тур» веломарафонига тайёргарлик ишлари олиб борилмакда.

О.ДЎСТМУРОВОВА,  
Таълим, фан ва маданият ходимлари  
касаба уюшмаси Қосон туман кенгаши  
раиси



ри бўлиб ўтди. Университет хотин-қизлар ҳамда касаба уюшма кўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган баҳсларда 40 нафарга яқин профессор-ўқитувчи қатнашди. Мусобақанинг очилиш маросимида университет спорт залидаги бадиий гимнастика тўғрисида тарбияланувчилари ўларнинг кўрсаткичи чиниқилари билан барчага кўтаринки кайфият бахш этишди. Спортнинг бешта тури бўйича ўтган спартакиада баҳсларида биринчи ўрин педагогика факультети, иккинчи поғона «Ўзбек филологияси» жамоасига, учинчи совринли ўрин эса тарих факультетининг спортсевар аёлларига насиб этди. Голиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Тўйчи ВАЛИЕВ,  
ҚДУ ходимлар ва талабалар касаба  
уюшма кўмитаси раиси

Триатлон

## МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ

Термиз шаҳрида триатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Республикаимизнинг деразли барча вилоятларидан 115 нафар (74 нафар эркак, 41 нафар аёл) спортчи қатнашган мусобақа тўрт ёш тоифасида ташкил этилди.

1991 йилда туғилган ва ундан катта ёшдаги эркаклар ўртасидаги баҳсларда Дмитрий Зайцев (Самарқанд) 1-ўринни қўлга киритди. Ака-ука Жавоҳир ва Шоҳрух Юнусов (Андижон) кучли учликни яқунлаб берди. 1991 йилда туғилган ва ундан катта ёшдаги аёллар ўртасидаги мусобақаларда Зухра Воҳидова (Жиззах вилояти), Юлдаз Жўраева (Қашқадарё), Ирина Лукьянко (Тошкент шаҳри) совриндор бўлди. 1992 — 1996 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги мусобақаларда Илбёк Юнусов (Андижон), Камрон Собитов (Тошкент шаҳри) ҳамда Тимур Сангаатулин (Навоий) кучли учликка кирди. Шу ёшдаги қизлар баҳсида Алина Хақимо-

ва (Навоий), Ойдинахон Икромова (Наманган), Шаҳзода Хайруллоева (Қашқадарё) медаллар соҳибаси бўлишди. 1997 — 2000 йилларда туғилган ўсмирлар орасида Валерий Пономаренко (Тошкент шаҳри), Дилшод Хотамов (Сирдарё), Муҳаммад Турсунбоев (Андижон)га омад қилиб боқди. Шу ёшдаги ўсмир қизлар ўртасида Дилдора Худойназарова (Самарқанд), Лағофат Соҳидова ҳамда Екатерина Рязанова (Тошкент шаҳри) шоҳсунага кўтарилдилар. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи ўринни қўлга киритди. Самарқанд ва Андижон вилояти вакиллари эса совриндорлар сарфидан жой олди.

Ўз мухбиримиз

Реклама

Вниманию организаций и предприятий!

### Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» хокимията г.Ташкента

Объявляет конкурсные торги (тендер) по объекту: Строительство детского спортивного комплекса к СДЮСШ по игровым видам спорта и легкой атлетике в Мирабадском районе г.Ташкента (ТИП-VI) Стартовая стоимость заказчика: - 6 389 027 484сум с учетом НДС; - 5 324 189 570 сум без НДС. Срок окончания работ, установленный заказчиком — 240 дней Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств Республиканского фонда развития детского спорта Заказчик — Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» хокимията г.Ташкента. Организатор торгов — Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г.Ташкенту. К конкурсному торгам допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций. Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственную базу, трудовые ресурсы и специалисты, необходимые для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсно-му, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора. При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций в оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценные предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога. Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — в Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по г.Ташкенту по адресу: г.Ташкент, ул.Абая, 6, комн. 703. тел.: (0-371) 244-12-17, 244-07-65 Стоимость одного комплекта конкурсной документации — двести тысяч сумов. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Ташкент, ул.Абая, 6, комн. 703. Последний срок предоставления оферт организатору торгов — к дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоит не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании хокимията города Ташкента. Услуги лицензированы.

Банк ва мижоз

Мамлакатимизда барча соҳаларда — саноатда, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида юз бераётган ўшиш сурьатлари натижасида аҳолининг бандлиги даражаси, даромади ва турмуш сифати юксалиб бораёттир. Бу жараёнда фаолиятини замонавий асосда такомиллаштираётган саноатчилар, тадбиркорлар, фермерлар, умуман, аҳолининг ишончли суянчига айланган молия муассасаларининг ўрни бекиёс.

## Кредитлар самарали йўналтирилмоқда



Хусусан, Ўзбекистон ТИФ миллий банкининг Бекобод филиали томонидан мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида изчил фаолият олиб борилмакда. Айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш, муҳим иқтисодий тармоқларга инвестиция киритиш, тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларига кредит ажратиш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш ва юрт ободлигига ҳисса қўлиш каби жиҳатлар банк фаолиятида муҳим йўналишлардан саналади. Ҳаракат қилган баракат топадиган замонада яшаймиз. Биз ҳам мамлакатимиз аҳолисининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлашга кўмаклашиш, ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга ўз ҳиссамизни қўлиш ниятидамыз. Ана шу мақсадда «NAYMAN INVEST» масъулияти чекланган жамиятига асос солганмиз. Бу эзу ниятларни амалга


оширишда, шукри, ёлғизланган қолмадик. Биздан Ўзбекистон ТИФ миллий банкининг Бекобод филиали молиявий кўмагини аямда. Банк мутасаддилари лойиҳамиз билан танишган, ўтган йилда 145 млн. сўм кредит ажратилди. Бу эса фаолиятимизни янада жонлантириб юборди. Мазкур кредит ҳисобидан етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида бугунги кунда 6 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларимиз сифати ва дизайни харидорларга манзур бўлаёттир. Ушбу кредит ҳисобига 16 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирда товар айланмамиз 615.4 млн. сўмга етди. Тадбиркорларга ҳукуматимиз томонидан яратилаётган бу каби имконият ва имтиёзлар янги ғоя ва режалар сари руҳлантиряпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилган эътибор ривожланиш йўлидан босқичма-босқич қадам ташлаб, юксак даражага кўтарилишимизга сабаб бўлмоқда. Бундай ислохотлар натижасида бугун Ўзбекистон ТИФ миллий банкининг Бекобод филиали ҳам ўз фаолияти самарадорлигини оширишга эришяпти. Бу эса шаҳарда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда. Абдураул РИСБОЕВ, «NAYMAN INVEST» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши жамоаси Миршор тўман кенгаши раиси Наврўз Бозоровга отаси ХАЙДАР БОБОНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги наشري «O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» — «Экономический вестник Узбекистана» журналы касаба уюшма кўмитаси тахриратининг масъул котиби Саидмурод Раҳимовга акаси Бобокул РАХИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муқимий номидаги Давлат мусиқий театри жамоаси ҳамда касаба уюшма кўмитаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровга турмуш ўртоғи Хосият СОБИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev  
Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshvov

BO'LMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Satovda erkin narxda.

\*Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflari fikri tahrirovchi nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 313-86-87  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov  
Navbatchi:  
J.Ergashev  
Musahhah:  
S.Haydarov  
Sahifalovchi:  
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonana manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G — 415.  
21090 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 22:55  
Topshirildi — 00:10

1 3 4 5 6